Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 50 (8540). ● 10 март, 1985 йил ● ЯКШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

МАМЛАКАТИМИЗ, шу жумладан, областимиз халқ хўжалигини иқтисодий ва социал ривожлантириш бўйича белгиланган улуғвор режаларни тўла амалга ошириш кўп жиҳатдан капитал қурилишга боғлиқдир. Шунинг учун экономиканинг бу етакчи тармоқларидан бирини ҳар томонлама юксалтиришга, унинг замон талаблари даражасида бўлишига эришишга жуда катта эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда капитал қурилишдаги аҳволни яхшилаш, бинокорларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлигини кучайтиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Капитал қурилиш ҳақида қилинаётган бундай ғамхўрлик бунёдкорлик ишларини муайян даражада жонлантиришга олиб келди. Областимизда объектларни барпо этишни жадаллаштириш, қурилишга раҳбарлик савиясини ошириш, ишчи кучлари ва моддий-техника ресурсларини ишга туширилдиган ва муҳим қурилишларга жамлаштириш билан боғлиқ бўлган бир мунча ишлар қилинди.

Бинокорларимизнинг область экономикасини юксалтиришга, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш фаровонлигини оширишга қўшаётган ҳиссалари салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. Улар тобора кўпроқ ҳажмдаги капитал маблағларни ўзлаштирмоқдалар, ўнлаб муҳим ишлаб чиқариш объектлари, уй-жойлар ва маданий-маиший муассасаларни фойдаланишга топширмоқдалар.

Қурувчилар ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам қатор иншоотларни барпо этишди. Янги Ангрен ГРЭСнинг 300 минг киловатт қувватли дастлабки энергоблоки, Ўзбекистон металлургия заводи янги «300»-прокат станининг биринчи навбати, машинасозлик, кўмир, енгил, озиқ-овқат саноатлари корхоналарида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Тошкент метрополитени иккинчи линиясининг биринчи қисми муддатидан ўн тўрт ой илгари йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. Агросаноат комплексининг моддий-ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш юзасидан кенг миқёслардаги ишлар амалга оширилди. Кўплаб маданий-маиший объектлар қуриб битказилди. Якуловчи йилнинг дастлабки ойларида ҳам муайян ишлар қилинди.

Лекин областимиз бинокорлари фаолиятига КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси XX съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларида улар олдига қўйилган масъулиятли вазифалар нуқтаи назаридан баҳо берадиган бўлинса, ҳали қурилиш ишлари ҳозирги талаблар даражасида эмаслигини рўй-рост эътироф этиш зарур. Қурувчиларимиз кўп ҳолларда зиммаларидаги вазифаларни уддалай олишмаяпти. Давлат планлари муҳим техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарилмаяпти. Қатор ишлаб чиқариш объектлари, айниқса, уй-жойлар ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар сust қурилмоқда.

«Главташкентстрой» қурилиш ташкилотлари коллективларининг айбн билан республикамиз пойтахтида уй-жойлар, болалар муассасалари ва шифохоналарни фойдаланишга топшириш планлари сурункасига барбод бўлмоқда. Областимиздаги етакчи қурилиш ташкилотларнинг аксарияти қонқарсиз ишламоқда. Бир вақтлар илғор ҳисобланган 160-, «Ташобликолхозстрой», «Ташобл-сельстрой» трестлари имкониятлари даражасида ишлашмаяпти. Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ташкилотларининг айби билан қатор ишга туширилдиган объектларда монтаж ишлари тугалланмай қолди. Олмалиқ, Ангрен, Бекобод шаҳарсозлик бошқармалари уй-жойлар, болалар муассасаларини бунёд этиш ишлари ҳажмини уддалай олмаяптилар.

Бундай нуқсонлар шунинг учун ҳам содир бўлмоқдаки, қатор қурилиш ва монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати, қурилиш индустрияси корхоналари, бошланғич партия, касаба союз ташкилотлари ўз коллективларининг куч-ғайратини давлат планлари ҳамда зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига сафарбар этиш ишларини ташкил этишдаги ва амалиётдаги ўзаро алоқадорликка, ишлаш, қурилишга салбий таъсир қилаётган тўсиқлар, пайдо бўлаётган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш учун биргаликда зарур чоралар кўришмаяпти, кўпинча айбни бир-бирларига солишдан нарига ўтишмаяпти. Бу фақат қурилиш суръати ва айтиш мумкинки сифати пасайишига олиб келмоқда. Қурилиш ташкилотларида социалистик мусобақани ташкил этишдаги расмиятчилик ҳамон давом этмоқда.

Якуловчи йилда пойтахт областимиз қурилиш-монтаж ташкилотлари ва уларга турли хил бинокорлик материаллари етказиб беришга даъват этилган корхоналар коллективлари олдига катта, масъулиятли ва айни вақтда жуда шарафли вазифалар қўйилган. Бу режаларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, уларда капитал маблағ сарфини камроқ оширган ҳолда кўпроқ асосий фондларни ишга тушириш назарда тутилмоқда.

Бунга эришиш барча қурилиш коллективларидан ниҳоят даражада зўр омилкорлик билан ишлашни талаб этади. Айниқса, мавжуд резервлар ва имкониятларни қидириб топиб, ишга солишга катта аҳамият бериш зарур бўлади. Қурилишда шу вақтгача содир бўлган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишга эришиш, ҳамма жойда, барча қурилиш бўғинларида тартиб, интизом, уюшқоқликни қарор топтириш, кадрларга нисбатан талабчанликни, уларнинг ўз вазифаларига нисбатан масъулиятини янада ошириш лозим.

Қурилиш иштирокчилари ва унга алоқадор бўлган барча коллективларнинг ҳамкорлигини ҳам ҳар томонлама кучайтиришда ғаф кўп. Шундай экан, пудратчи қурилиш ва монтаж ташкилотлари, материаллар етказиб берувчи корхоналар, лойиҳалаш ташкилотлари, буюртмачилар, таъминот ва планлаштирувчи ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш ҳамда уларнинг такрорланмаслигига эришиш керак.

Бу йил ишга туширилиши лозим бўлган барча ишлаб чиқариш, агросаноат объектлари, айниқса, уй-жойлар, социал-маданий-маиший муассасалар ҳаммасининг фойдаланишга топширилишини таъминлашга эришиш — қурувчиларимизнинг биринчи галдаги вазифасидир. Социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш, аввало пландагига қўшимча 340 минг квадрат метр саҳнли уй-жойларни қуриш ҳақида эл-юрт олдида берилган сўзнинг устидан чиқиш ва бу билан шундай бинолар қурилишидаги қолоқликни тугатиш учун барча чораларни кўриш лозим.

Жойлардаги партия ташкилотлари, совет, хўжалик органлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Капитал қурилишни планлаштириш, ташкил этиш ва бошқаришни яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида капитал қурилишига раҳбарликни ҳар томонлама такомиллаштиришлари, унда белгиланган режаларнинг амалга оширилишига эришишлари керак.

Областимиз шаҳар ва қишлоқларини янада обод ва кўркам қилиш вазифасини ҳал этиш учун фидокорона курашаётганларнинг олдинги сафида бораётган нияти улуғ, қўли гул, қадами қутлуғ бинокорларимиз бу йил ўз зиммаларидаги барча вазифаларни сўзсиз амалга ошириш учун ҳар қачонгидан ҳам фидокорона меҳнат қилишлари керак. Бу уларнинг жонажон партиямизнинг навбатдаги XXVII съезди, совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги тарихий Ғалабасининг 40 йиллиги ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига муносиб совғаларни бўлади.

СОҒУВЧИЛАР КЎРИК-КОНКУРСИ

ОҲАНГАРОН районида қишлов даврида чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш юзасидан чорвадорлар ўртасида оммавий-снёсий, идеологик ишларни яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Бу ўринда сут соғувчиларнинг касб маҳоратларини ошириш, соҳа бўйича назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган «Касбим-фахрим» кўрик-конкурси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маҳорат кўриги икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда хўжаликлар соғувчилари ўзаро куч синашдилар. Ана шу беллашувнинг ғолиблари конкурснинг «Энг яхши мутахассиси» деб номланган иккинчи босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Яқинда район маданият уйида конкурснинг иккинчи босқичи мусобақалари бўлиб ўтди. Беллашув жараёнида мусобақа иштирокчилари тажриба алмашдилар. Соғин сигирларни парваришлаш, озиқлантириш, соғин аппаратларидан фойдаланишда зооветеринария қоидаларига риоя қилиш ва сут сифатини яхшилаш юзасидан берилган саволларга жавоблар қайтардилар. Амалий машғулотларда эса соғин аппаратларини тезкорлик билан қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича нормативларни бажардилар.

Конкурсда соғувчиларнинг оилавий ҳаётдаги, бола тарбиясига оид тажрибалари, адабиёт ва санъатга бўлган қизиқишлари ҳам синаб кўрилди. Улар ўзбек ёзувчилари ижоди ҳақидаги адабий викторинада қатнашиб, меҳмон кутиш, чақалоқ йўргаклаш, қуй оҳангини тинглаб, музика асбоблари турларини аниқлаш каби шартларни ҳам бажардилар. Шунингдек, қўшиқ куйлаб рақсга тушдилар, шеърий декламациялар ўқиб, ўз талантларини намойиш қилдилар.

Конкурс жюрисининг қарорига кўра Куйбишев номли совхоз сут соғувчиси Саида Дўстбоева, «Ангрен» совхозининг соғувчиси Фароғат Жуманова ва «Ғаллақудуқ» совхози соғувчиси Фотима Тўлабоевалар ғолиб деб топилдилар. Уларга Фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

А. НАВРЎЗОВ,
А. ҲАЙДАРОВ.

СИФАТ ЖОНКУЯРИ

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида сифат учун кураш ҳаракати кучайиб бормоқда. Дилором Қўчқорова корхонада сифат жонкуяри сифатида яхши танилди. У йирик электр тармоқларини бошқариш шкафларини монтаж қилиш билан шуғулланади. Шуниси диққатга сазоворки, Дилором тайёрлаган барча маҳсулотлар биринчи тақдим этишдаёқ техник назорат бўлими томонидан юқори сортларга қабул қилинмоқда.

Суратда: Д. Қўчқорова.

В. Сироткин фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЕСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида 1985 йилнинг 24 февралида иттифоқдош, автоном республикаларнинг Олий Советларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўлиб ўтган сайлов якунларини кўриб чиқди. Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, бу сайлов мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа, КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўришда сафарбар қилувчи муҳим омил бўлиб қолди. Сайлов коммунистлар билан партиясизлар блокининг ишончли ғалабаси билан нишонланди, совет халқи Коммунистик партия тевараги да мустаҳкам жипслашганлигини, унинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлигини намойиш этди.

Республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига 2,3 миллиондан зиёд депутат сайланди. Авваллари ҳам бўлганидек уларнинг составида ишчи ва колхозчилар етакчи ўринни эгаллайди. Депутатлар орасида хотин-қизлар билан ёшлар кўпроқ бўлиб қолди. Советларда Ватанимиз аҳолиси барча қатламларининг, барча миллат ва элатларининг вакиллари кенг қўламда иштирок этмоқдалар.

Сиёсий бюро иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорларига ҳамда ўртоқ К. У. Черненконинг Москва шаҳар Куйбишев сайлов округи сайловчиларининг йиғилишидаги нутқида баён этилган кўрсатмаларига асосланиб, эътиборни халқ депутатлари Советлари фаолиятининг барча томонларини янада яхшилашга, улар ўз ваколатларини актив ва изчил амалга оширишларига қаратиш вазифасини топширди. Сайловчиларнинг наказларини, меҳнаткашлар сайлов кампанияси давомида айтган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни рўёбга чиқаришга биринчи даражали аҳамият берилиши лозим. Партия комитетлари совет ваколатли органларининг иш мазмуни, услуби ва методлари ривожланган социализмни такомиллаштириш вазифаларига тўлиқроқ мос келишига эришишлари керак.

Аҳоли ўртасида идеологик, снёсий-тарбиявий ишни бундан буён ҳам кучайтириш, Советларга сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш туфайли юзага келган снёсий активлик ва меҳнат ғайратини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, совет кишиларининг ижодий активлигини беш йилликни муваффақиятли адо этишга, Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллигини ва КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга йўналтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий бюро 1985-1995 йилларда Байкал-Амур магистралини Якутск шаҳри билан боғловчи темир йўл линияси қурилиши тўғрисидаги таклифни маъқуллади. Ана шу темир йўл линияси Якутия АССРнинг барқарор транспорт алоқаларини ҳамда мазкур регион халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш учун ортиб бораётган юк ташиш ҳажмини таъминлаш, Якутиянинг табиий бойликларидан яна ҳам интенсивроқ фойдаланиш имконини беради.

Сиёсий бюро 1986 — 1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда аҳолининг буюртмалари бўйича уй-жойлар, боғдорчилик ширкатлари учун иморатлар, гаражлар ҳамда бошқа биноларни ремонт қилиш ва қуриш юзасидан кўрсатиладиган хизматларни ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилинган қарорида аҳолининг маблағлари ҳисобига квартиралар ва уйлар қуриш, уларни яхшироқ пардозлаш ва жиҳозлаш, коллектив боғларда иморатлар, шахсий транспорт воситалари учун гаражлар ва шундай воситалар турадиган жойлар барпо этиш, шунингдек уй-жойларни ремонт қилиш соҳасида бажариладиган ишлар ҳажмини анча кўпайтиришга қаратилган конкрет топшириқлар белгиланган.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Министрликлари ва идораларига махсус ремонт қурилиш ташкилотларини тузиш топширилди, одатда аҳолига ана шу ташкилотларнинг кучлари билан хизмат кўрсатилади. Шу ташкилотлар билан бир қаторда пудрат қурилиш-монтаж ва ремонт-қурилиш ташкилотлари, шунингдек ўзларига қарашли уй-жой фондига эга бўлган министрликларнинг ташкилотлари меҳнаткашларнинг буюртмалари билан ремонт-қурилиш ишларини бажаришга жалб этилади.

Сиёсий бюро юрак хасталигини электростимуляция методи билан хирургик даволашни медицина практикасида кенгроқ қўлланиш борасида ҳукумат ишлаб чиққан тадбирларни маъқуллади. Шу мақсадда мамлакатнинг йирик шаҳарларидаги касалхоналарда ихтисослаштирилган бўлимларни ташкил этиш, Ватанимизда электрокардиостимуляторларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни ишлаб чиқариш учун қўшимча қувватларни яратиш, юрак мароми бузилишларини диагноз қилиш ва даволаш билан шуғулланувчи медицина кадрлари тайёрлашни яхшилаш кўзда тутилмоқда.

Сиёсий бюро ядро ва космик қуроллари юзасидан 12 март куни бошланадиган Совет — Америка музокараларидаги СССР делегацияси учун йўл-йўриқларни кўриб чиқиб, тасдиқлади. Бунда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, музокаралар ҳар иккала томон шунга тайёр бўлган тақдирда космик фазога қуролланиш пойгаси ёйилишининг олдини олиш ҳамда шундай пойгани ерда тўхтатиш, шу тарихга тарихий вазифани ҳал этиш — ядро қуролини ҳамма жойда ва батамом тугатиш йўлида катта қадам қўйиш имкониятини очади. Совет томони музокараларда тенглик ва бир-баравар хавфсизлик принципига асосланиб, ядро ва космик қуролларига оид масалалар бир-бири билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиб, ҳал этилиши керaклиги тўғрисида 1985 йил 8 январдаги ахборотномага қатъий амал қилиб, зўр ғайрат билан амалий иш кўради.

Социалистик мамлакатлар Коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетларининг идеология ва пропаганда масалалари билан шуғулланувчи секретарларининг Москвада бўлиб ўтган учрашуви тўғрисида ўртоқ М. В. Зимяниннинг ахбороти тингланди. Бу учрашув, унинг қатнашчилари билдирган якдил фикрга кўра, энг аввало фашистлар Германияси ва милитаристик Япония устидан қозонилган Ғалабанинг яқинлашиб келаётган 40 йиллиги муносабати билан идеологик ва ахборот — пропаганда ишларини янада кучайтиришга хизмат қилади, деб мамнуният билан уқтириб ўтилди.

Сиёсий бюро ўртоқ А. А. Громиконинг Италия ва Испанияга қилган визитлари тўғрисидаги ахборотини тинглади ва маъқуллади. Ана шу давлатларнинг раҳбарлари билан бўлиб ўтган музокаралар якунида ядро уруши хавфини бартараф этиш ва халқаро кескинликни юмшатиш учун самарали куч-ғайратлар сарфлаш зарурлиги хусусида СССР, Италия ва Испания позицияларининг муайян даражада бир-бирига яқинлиги аниқланди. Европа ва халқаро турмушнинг энг муҳим проблемалари бу музокараларнинг диққат-марказида бўлди. Шу муносабат билан мазкур мамлакатлар космик ва ядро қуроллари масалалари юзасидан СССР билан АҚШ ўртасида бўладиган музокараларнинг мазмуни ва мақсадлари тўғрисидаги ҳаднома қўллаб-қувватлаётганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Италия ва Испания раҳбарлари Совет Иттифоқи билан амалий ҳамкорликни, шу жумладан сиёсий мулоқотларни изчил кенгайтириб бориш ниятида эканликларини тасдиқлагандиклари совет томонининг позициясига тўла-тўкис мос келади.

Ўртоқ А. А. Громиконинг ГФР Федерал канцлерининг ўринбосари, Ташқи ишлар министри Г. Д. Геншер билан бўлиб ўтган суҳбатларининг якунлари тўғрисидаги ахборотни маъқулланди. Шу муносабат билан Сиёсий бюро мажлисида совет раҳбарлари 1970 йилдаги Москва шартномаси ва бошқа Совет—Ғарбий Германия битимлари асосида ГФР билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини қўллаб-қувватлаётганликлари уқтириб ўтилди. Айни вақтда хавфсизлик масалалари СССРнинг ГФР билан муносабатларидаги асосий, белгиловчи элемент бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолиши яна бир бор таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашнинг, халқаро муносабатларда тинчлик ва ҳамкорлик йўлини изчил ўтказишнинг бошқа бир қанча масалалари ҳам кўриб чиқилди ва ҳал этилди.

ТЕАТР БАЙРОҒИДА ОРДЕН

М. Горький номли Тошкент давлат рус академик драма театри эллик ёшга тўлди. Шу воқеага бағишлаб 9 март куни юбилей кечаси ўтказилди.

Совет театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун театр Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Ватаннинг юксак мукофотини театр байроғига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев тақиб қўйди. У коллективни самимий мубораклаб этди, меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялаш, янги дунё қуриш қаҳрамонлигини ифодаловчи юксак бадиий саҳна асарлари яратиш ишида унга янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Чуқур ғоявийлик, гражданлик ва юксак даражадаги бадиий маҳорат партиянинг, халқнинг санъат арбобларига нисбатан қўйётган асосий талаби эканлиги кечада уқдирилди ўтилди. КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқлари ва асарларида баён этилган кўрсатмалар ҳамда тавсиялар санъаткор зиёлиларни мана шунга ундайди. М. Горький номли театр ҳам республика меҳнатчиларининг маънавий маданиятини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Театр революцияга, советлар ҳокимияти учун курашга бағишланган биринчи саҳна асаридан тортиб кейинги йиллардаги спектакляларигача рус, совет ва чет эл драматургиясининг энг яхши асарларини толмай пропаганда қилиб келмоқда. Социалистик реализм асосчиси М. Горькийнинг асарлари Тошкент саҳнасида узоқ умр кўриб, совет санъати хазинасига кирди, театрнинг ўзи ҳам М. Горький номи билан юритилади.

Коллектив Ленин сиймосини саҳнада гавдалантириб берганлиги билан ҳақли равишда фахрланади. Н. Погодиннинг «Милтиқли киши» ва «Учинчи патетик» пьесалари, А. Штейннинг «Селлар орасида», К. Ерматов билан М. Мелкумовнинг «Ташвиш ва умид кунлари» пьесалари асосида саҳналаштирилган спектакллар Ленинномининг ёрқин саҳифалари бўлиб қолди. Театр ўз томошабинларини ўзбек драматургларидан Ҳамза, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Назир Сафаров, Саид Аҳмад ва бошқаларнинг асарлари билан таништирди.

Улуғ Ватан уруши йилларида театр жангчилар сафидан ўрин олди. Унинг актёрлар бригадалари доимо фронтга бориб турдилар, М. Шолохов, Л. Леонов, К. Симонов, Б. Полевой асарлари Тошкент саҳнасидан фашист босқинчилар устидан ғалаба қозонишга оташин даъват бўлиб янгради.

Театрнинг ҳозирги репертуарида классикларнинг асарлари, қардош республикалар драматургларининг, замонавий чет эл муаллифларининг пьесалари бор.

Ижодий коллектив КПСС XXVII съездига ва улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриб, замондошимизнинг сиймосини гавдалантирувчи янги-янги постановкалар қўяди. Театрнинг филиаллари ишлаб турган Чирчиқ ва Ангрен, республиканинг кўпгина шаҳар ва қишлоқлари томошабинлари шу асарлар билан танишадилар, ижодий коллектив ўз спектакляларини шу-жойларга олиб бориб кўрсатади. Москва, Ленинград, Киев, Харьков, мамлакатнинг кўпгина шаҳарлари томошабинлари коллективнинг санъатини қарсаклар билан кутиб олдилар.

Юбилей кечаси охирида театрлаштирилган томоша кўрсатилди. Республиканинг етакчи бадиий коллективлари, ижодий союзларнинг намояндалари театрни юксак мукофот билан табрикладилар.

Тантанали кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

1985 ЙИЛ ЯНВАРЬ—ФЕВРАЛЬ ОЙЛАРИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА МЕТАЛЛОЛОМ ТАЙЁРЛАШ (ТОПШИРИШ) ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ҲАҚИДА

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида, биринчи устун — рангли металл, иккинчи устун — қора металл)

ШАҲАРЛАР:		
Бекобод	125,7	100,1
Янгийўл	116,2	100,9
Оҳангарон	105,7	108,6
Ангрен	100,0	101,9
Наримонов	119,2	84,1
Чирчиқ	108,8	93,2
Олмалиқ	96,0	90,6
Янгиобод	66,6	123,3
РАЙОНЛАР:		
Бўстонлиқ	324,0	123,3
Оҳангарон	213,6	128,7
Паркент	145,4	127,7
Тошкент	161,3	106,9
Янгийўл	142,8	102,4
Бекобод	150,0	100,3
Пискент	122,5	101,2
Калинин	114,5	100,9
Ғалаба	111,3	107,1
Коммунистик	102,0	132,5
Бўка	107,1	77,1
Ўрта Чирчиқ	84,3	97,4
Оққўрғон	82,5	99,5
Оржоникидзе	80,3	84,9
Чиноз	75,7	82,9
Область бўйича	109,4	90,6

Келтирилган маълумотдан кўринаётганидек, областимизда ўтган икки ойда қора металлолом топшириш аҳволи қониқарсиздир, айрим шаҳар ва районларда рангли металлолом топшириш ҳам кўнгилдагидек эмас.

Бу эса тўпланган металлоломни бир маромда қайта ишлаш ва металлургларга етказиб бериш ишини қийинлаштиради.

ҲАР КУНИ 130 ПРОЦЕНТДАН

ОЛМАЛИҚ тикувчилик фабрикаси чеварлари ўртасида ўн биринчи беш йиллиннинг якунловчи йилнинг яхши кўрсаткичлар билан нишонлаш, зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан уддалаш учун социалистик мусобақа кун сайин авж олмоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракатида барча чеварлар қатнашмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги шахсий меҳнат марраларини белгилаб ишлашяпти ва ваъдаларининг устидан чиқишяпти.

Шундай илғорлар ҳақида гап кетгудек бўлса аввало Шарифа Солиқулова, Светлана Ким, Екатерина Паншева, Алина Шкутковалар номи биринчилар қаторида тилга олинади. Чунки улар смена нормасини бажаришда касбдошларига намуна бўлишяпти. Ҳар куни топшириқни 130 процентдан ошириб адо этмоқдалар.

Бу моҳир чеварлар шу кунларда 1986 йилнинг турли ойлари ҳисобига маҳсулот беришмоқда.

А. МАҲКАМОВ.

УЧ КУН ТЕЖАЛГАН ХОМАШЁ ҲИСОБИГА

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати «Қалмоққир» кони коллективида иқтисод ва тежамкорлик ҳаракати кенг қулоч ёзмоқда. Бу ҳаракатда Евгений Баранцев етакчилигидаги комплекс бригада кончилари барчага намуна бўлишяпти. Айниқса, экскаватор машинистлари Р. Раҳимов, А. Кулишев, Б. Зубков, И. Баевлар коллектив ютуғига муносиб ҳиссаларини қўшишяпти. Бу коммунистик меҳнат зарбдорлари бошлаб берган зарбдор суръатдан сўнг бригада ўз имкониятларини қайта кўриб чиқди. Шунга кўра илғор коллектив Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллигига қадар беш йиллик планни бажаришга қарор қилди.

Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини стахановчасига нишонлашга аҳд қилган бригада кончилари шу йили уч кун тежалган хомашё ҳисобига ишлашга ҳамда пландан ташқари 350 минг кубометр тоғ жинслари қазиб беришга қатъий келишишди.

М. МИРАЛИМОВ.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

КАЛИНИН номли колхоз чорвадорлари давлатга гўшт сотишда Янгийўл райони хўжаликлари орасида пешқадамлик қилишмоқда. Колхоз бўрдоқибоқарлари ҳозирга қадар пландаги 20 тонна ўрнига 26,2 тонна гўшт топширишди, ярим йиллик планни ортиғи билан адо этдилар. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 410 килограммданга тўғри келди.

Эришилган ютуқлар хўжалик бўрдоқибоқарларининг сидқидилдан меҳнат қилиб, чорва қишловини муваффақиятли ўтказаётганликларидан далолат бериб турипти. Фермада чорвадорлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа намунали йўлга қўйилди.

Хўжалик чорвадорлари КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига бу йил давлатга 40 тонна гўшт сотишга аҳд қилишган. Улар айни кунларда иккинчи ярим йиллик ҳисобига маҳсулот топширишни қизитиб юборишди.

Қ. ЖУМАҚУЛОВ.

БРИГАДА КАЛЕНДАРИДА—1986 ЙИЛ

ТОШКЕНТДАГИ Й. Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасининг тикувчиси Назира Холмирзаева Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган социалистик мусобақанинг дастлабки ойлари якунларига кўра ғолиб деб топилди. Бу ғалабадан ҳаммадан кўра Н. Холмирзаеванинг ўзи кўпроқ қувонди. Илғор тикувчи шоҳли санага ўзининг муносиб меҳнат ҳиссасини ҳозирлаётганидан фахрланди. Ҳамкасбларига, дугоналарига ўрнак кўрсатаётганлигидан тўлқинланди.

Н. Холмирзаева фабрикада меҳнат қилаётганига йигирма йилдан ошди. Шу вақт мобайнида у ўз касбининг сирларини пухта ўрганди, маҳоратини ошириб. Энди эса унинг шогирдлари ҳам ўзи каби новатор. Улар корхона рационализатор ва ихтирочилик ҳаракатида кўзга кўринди қолишди. Устоз эса ҳамон намуна кўрсатишдан толмайди.

1982 йилнинг апрель ойида у мастерлик қилаётган бригадада меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усулини жорий эта олди. Аввало ўн беш кишидан иборат коллективга бригада усулининг афзалликларини фақат унинг барча талаблари бажаришлигидагина намоён бўлишини тушунтирди. Шундан сўнг тикувчилар ягона мақсад билан — бригаданинг пировард иш кўрсаткичи юқори бўлиши учун кураша бошладилар. Бу эса тез орада ўз самарасини берди. Коллектив графикдан аста-секин ўзиб кета бошлади.

Ҳозир бригаданинг меҳнат календарида 1986 йилнинг май ойи қайд этилган. Бирғина февраль ойининг ўзида чеварлар пландан ташқари 200 га яқин бош кийимлари тайёрлашга эришдилар. Маргуба Исмоилова, Ёқут Шоусмонова, Ҳури Иноғомжонова, Саноб Исломова, Шоира Тожиева сингари пешқадамлар эса кунлик топшириқларини 120—130 процентга бажариб, бригада ютуғининг янада салмоқли бўлишига муносиб ҳиссаларини қўшишаяпти.

Бригада етакчиси бу ишларга доимо бош-қош. Устоз ишлаб чиқаришда ҳам, жамоат ишида ҳам намуна. Унинг меҳнатлари эса муносиб равишда тақдирланмоқда. Н. Холмирзаева III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери, коммунистик меҳнат зарбдори. Ҳозирга келиб Н. Холмирзаева беш йилликка зарбдор якун ясаш иштиёқида қўш унум билан меҳнат қилмоқда.

М. ХОЛБЕКОВА.

ИШОНТИРА БИЛИШ МАҲОРАТИ

Ҳозир бутун идеологик, тарбиявий, пропаганда ишимизни ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнида партия ҳал этаётган катта ва мураккаб вазифалар даражасига қатъият билан кўтариш талаб этилмоқда. Шунинг учун КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» мақоласида ҳам «Пропагандамизнинг мазмуни, оперативлиги, форма ва методлари, унинг моддий-техника базаси совет кишиларининг ўсиб кетган талабларига, ривожланган социализмни такомиллаштириш, буржуа идеологиясига қарши ҳужумкор кураш олиб бориш вазифаларига жавоб бериши учун, пропагандистлик практикасидан дабдабали ибораларга берилиб кетишни, меъдага теккан андазаларни, меҳнаткашларни тўлқинлантириб турган кескин масалаларни четлаб ўтишга уринишларни таг-томири билан қўпориб ташлаш учун ҳали кўп ишлар қилиш лозим бўлади», деб таъкидланади.

Пойтахт области партия, комсомол сиёсий маорифи, иқтисодий таълим системасидаги 23 минг 560 мактаб ва семинарларда 726 минг нафар тингловчига таълим бераётган пропагандистларнинг аксарият кўпчилиги партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмалари асосида ўз маҳоратларини ошириб бормоқдалар. Улар кишиларга ижтимоий ҳаётнинг мураккаб, ҳатто эндиятли воқеаларини тўғри баҳолашда кўмаклашмоқдалар. Пропагандистлар оммага сиёсий билим беришгина қолмасдан, меҳнаткашларни КПСС сиёсатини ҳаётга татбиқ этишга ҳам сафарбар этадилар.

Ташвиқотчи ва тарғиботчиларнинг бу масъулиятли, айни пайтда шарафли ишларида уларнинг маҳорати, пропагандистлик санъати жуда катта аҳамият касб этади. Биз КПСС ва Совет давлатининг асосчиси, гениал назариётчи В. И. Ленин туғилган кунинг 115 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган шу пайтда Владимир Ильичнинг революцион назарияни омманинг онгига ва қалбига етказа билиш маҳоратини пропагандистларимизга яна бир марта эслатиб ўтмоқчимиз.

Лениннинг ҳар бир нутқи, унинг мангу барҳаёт асарлари ҳамиша кишилар онгига кучли таъсир этарди. Шунинг учун барча совет кишилари қатори пропагандистлар ҳам доимо Ленин билан «маслаҳатлашиб туришга», ундан ташвиқот ва тарғибот олиб бориш маҳоратини ўрганишга интиладилар.

Владимир Ильичнинг Свердлов номли коммунистик университетда 1919 йилда ўқиган «Давлат тўғрисида»ги лекцияси мураккаб масалаларни баён этишга усталик билан ёндашиш намунаси бўлиб ҳисобланади. Маълумки, Ленин энг мураккаб назарий масалаларни ҳам равшан ва содда баён этиб бериш истеъдодига эга эди. Шунга қарамасдан у лекцияга тўпланган тингловчилар билим савияси гурлича эканлигини ҳисобга олган ҳолда «етарли даражада равшан қилиб айтиб беришим ва кўп ўқувчиларга етарли даражада аниқ қилиб тушунтириб беришим маҳол бўлса керак,— дейди.— Мабодо шундай бўлса, бундан ҳижолат бўлмаслигингизни илтимос қиламан, чунки... биргина қисқа суҳбатда бу масалани тўла аниқлаб олиш мумкин, деб асло умид қилмаслик керак. Бу тўғридаги биринчи суҳбатдан кейин тушунилмаган ёки равшан бўлмаган жойларни ёзиб олиб, уни яна икки, уч, тўрт марта ўқиб, ўйлаб чиқмоқ керак, тушунилмай қолган масалани кейин китоб ўқиб, айрим лекция ва суҳбатларни эшитиб, яна тўлдириш керак».

Мен яна сизлар, деб давом этади Владимир Ильич, суҳбатларга ва лекцияларга қўшимча ўлароқ, Маркс билан Энгельснинг лоақал энг асосий асарларидан баъзиларини ўқиб чиқишга маълум вақтингизни сарф қиларсиз, деб ҳам ишонаман.

Партия маорифи ва иқтисодий таълим шохобчаларида шуғулланаётган тингловчиларга ҳам Лениннинг ана шу тавсияларини эслатиб туриш керак.

Ҳар бир пропагандист, назарий семинарнинг ҳар бир раҳбари ленинча таълимотдан келиб чиққан ҳолда ўз суҳбатларида мураккаб илмий ибораларни ҳаддан кўп ишлатмасликлари, тингловчиларни ортиқча маълумотлар билан кўмиб ташламасликлари керак. Партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим шохобчаларидаги лекция ва суҳбатлардан мақсад марксча-ленинча назарияни ўрганишга, воқеликни, давримиз ҳодисаларини англаб етишга доимий қизиқиш уйғотишдан иборатдир.

Сиёсий ўқув ташкилотчилари ўз тингловчиларини ижодий фикр юритишга ўргатишлари, уларни ҳаётга, амалий ишларга тайёрлашлари лозим. Бунда ҳар бир кишида коммунистик эътиқодни шакллантириш энг муҳим вазифадир. Бунинг учун тингловчилар билим савиясини ошириб бориш керак. Владимир Ильич комсомолнинг III съездида сўзлаган машҳур нутқида шундай деган эди: «Инсоният яратган барча бойликларни билиб, ўз онгини бойитган тақдирдагина коммунист бўлиш мумкин».

Ҳақиқатан ҳам билимларсиз, ғояларсиз эътиқод бўлмайди. Зеро, билимлар, ғояларгина эътиқоднинг пойдевори бўла олади. Шунинг учун пропагандист марксча-ленинча таълимотни тушунтириб берар экан, тингловчиларни мустақил ижодий фикр юритишга ўргатиб бориши лозим. Ҳар қандай ўқув, шу жумладан, партия сиёсий маорифидаги ўқув ҳам кишидан чуқур фикр юритишни тақозо этади. Маълумки, машғулотда ҳозир бўлиш, лекция ва суҳбат тинглаш, бироқ уларнинг моҳиятини англамаслик мумкин. Ленин таърифига кўра пропагандист ҳар бир кишида «мияни ишлатишга жиддий ният қўзғатишни кўзда тутади ва унга бу жиддий ва оғир ишни бажаришда ёрдам беради».

Эътиқодни шакллантиришда ўз устида мустақил иш олиб бориш, шахсий мушоҳадаси билан ҳақиқатни аниқлаш катта аҳамиятга эгадир. Владимир Ильич «маълум даражада мустақил меҳнат қилмай туриб, биронта ҳам жиддий масалада ҳақиқатни топиб бўлмайди ва меҳнат қилишдан қўрққан киши ўзини ўзи ҳақиқатни топиш имкониятидан маҳрум қилади», деб ёзган эди.

Демак, ҳар бир тингловчи муайян ҳақиқат ва қоидаларни механик тарзда ёдлаб олиш ўрнига бу қоидаларни мушоҳада юритиб, онги билан аниқлаши керак. Фақат шу ҳолдагина билимлар эътиқодга айланади, амалий иш билан мустаҳкамланади. Шунинг учун ҳам меҳнаткашларни сиёсий тарбиялаш муваффақиятининг мезони амалий иш натижаларидир.

Барча ташвиқотчи ва тарғиботчилар каби сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим ташкилотчилари ҳам В. И. Лениннинг пропагандистлик маҳоратини чуқур эгаллашга интилишлари, керак. Бу ларга марксча-ленинча назария пропагандасини Коммунистик партия томонидан белгилаб берилган амалий вазифаларни ҳал қилиш билан моҳирона боғлаб бориш имконини беради.

А. АБДУНАБИЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ

Пропагандист ҳар бир суҳбатини ҳамма тингловчилар учун тушунарли, содда тилда баён қилиб бериши лозим. В. И. Лениннинг классик таърифига кўра, ҳар қандай пропагандист билан ҳар қандай агитатор нинг санъати ҳам мазкур тингловчиларга жуда яхши таъсир қилиши учун маълум ҳақиқатни унга мумкин қадар ишонадиган қилиб, мумкин қадар осон тушунадиган қилиб, мумкин қадар аниқ ва эсда қаттиқ сақланадиган қилиб гапиришдан иборатдир.

Айни пайтда Владимир Ильич чинакамига оммабоплиги буржуа пропагандаси кенг қўлланадиган соддабозликдан ажратиш кераклигини ҳам уқтирарди. Содда ёзиш билан вульгарлаштириш, соддабозлик ўртасида фарқ катта, деб ёзган эди у.

Маълумки, ҳар бир суҳбатнинг мазмуни ва унинг формаси ўртасида узвий боғлиқлик мавжуддир. В. И. Ленин бундай ўзаро муносабатни таъкидлаб, «максимум марксизм—максимум оммабоплик ва соддалик» деган машҳур иборасини ишлатган эди. Бу ибораннг биринчи қисми пропагандининг мазмунини билдирса, иккинчи қисми баён этиш формасидир. Ташвиқотни худди шундай моҳирона олиб бориш пропагандамиз таъсирчанлигини таъминлайди.

В. И. Ленин марксизмнинг у ёки бу қоидасини, партия билан Совет ҳукуматининг муайян масалаларга бағишланган қарорларини тушунтирар экан, улар ягона тўғри таълимот ва қарор эканлигига оммани ишонтира оларди.

Ишонтира билиш совет кишиларини сиёсий тарбиялаш ва ғоявий чиниқтиришнинг асоси бўлиб, ҳозирги пайтда бунинг аҳамияти янада ортган. В. И. Ленин ҳам халқ оммасини ишонтира билиш масалалари доимо энг муҳим масалалардан бири бўлишини уқтирар эди.

АТЕИСТИК ТАРБИЯГА КОМПЛЕКС ЕНДОШАИЛИК

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА ДАВРА СУҲБАТИ

Областимизда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида атеистик тарбияни кучайтиришга, янги совет маросимларини кенг меҳнаткашлар турмушига жорий этишга катта эътибор берилмоқда. Ҳозир область район ва шаҳарларида 27 та илмий атеизм халқ университетлари ишлаб турибди. Ўтган йилнинг ўзида Бекобод, Калинин, Ўрта Чирчиқ, Бўка районларида атеистик пропаганданинг муҳим масалаларига бағишланган илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Жойларда янгича маросимларни турмушга жорий этиш бўйича ҳам диққатга сазовор тажриба тўпланган.

Ўзбекистон телевидениесининг Тошкент области учун эшиттиришлар редакциясининг атеистик тарбия самарадорлигини ошириш ва янги совет анъаналарини ҳаётга татбиқ этиш бўйича тажрибаларни оммалаштиришга бағишланган кўрсатувида шу ҳақда гап борди.

Унда иштирок этган область атеизм уйи раҳбари Б. Тожибоев, халқ депутатлари Оққўрғон район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Нишонов, Чиноз районидаги К. Маркс номли колхоз партия ташкилотининг секретари Қ. Алимова, Пискент район ЗАГС бўлимининг мудири М. Жалилова, Тошкент район Ҳасанбой қишлоқ Советидаги Ленин номли маҳалла комитетининг раиси Э. Жабборовлар партия ташкилотларининг меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш соҳасида олиб бораётган ишлари, совет маросимларини пропаганда қилиш ва турмушга татбиқ этиш бўйича комиссиялар фаолияти, бу ишда маҳалла комитетларининг иштироки, тўйларни янгича ўтказиш борасидаги тажрибалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДА...

Чорвоқ ГЭС қурилиш бошқармаси партия комитети атеистик пропагандани кучайтиришга жиддий эътибор бермоқда. Мана уч йилдан бери партия комитети ҳузурида илмий атеизм бўйича методик совет фаолият кўрсатяпти. Кейинги пайтларда коллектив ўртасида илмий материалистик дунёқарашни шакллантириш, янги совет анъаналарини ҳаётга татбиқ этиш бўйича олиб борилаётган ишлар анча жонланди.

Ҳозир «Гидростроитель» маданият саройида атеистик билимлар кинолекторийси ишлаб турибди. Бошқармада «Атеист бурчаги» ҳам ташкил этилган. Бу ерда илмий атеизмга оид турли адабиётлар, методик қўлланмалар билан танишиш мумкин. Қурувчилар ўртасида мунтазам равишда илмий атеистик мавзуларда лекциялар ўқилмоқда.

А. МАЛЮТИН.

ЎҚУВЧИЛАР ЛЕКТОРИЙСИ

Тошкентдаги 230-мактабда илмий атеизм лекторийсига 200 дан кўпроқ ўқувчи жалб этилди. Улар учун диннинг реакцион моҳияти, илмий материалистик дунёқарашни шакллантиришда фаннинг роли, табиий фанлар ютуқлари ва бошқа мавзуларда лекциялар ўқиляпти.

Лекторий машғулотларини ўтказишга шаҳар «Билим» жамияти аъзоларидан Р. Тўлаганов, Д. Иброҳимова, М. Набиевалар ҳам жалб этилган. Уларнинг техник воситалар ва кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб бораётган суҳбатлари ўқувчиларда катта қизиқиш туғдирмоқда.

Ишларни атеистик руҳда тарбиялашда мактабда биология ва физика дарсларидан, тажриба участкасидаги машғулотлардан ҳам кенг фойдаланиляпти. Шунингдек, мактабда ташкил этилган ота-оналар университетида атеистик мавзуларда суҳбатлар ўтказиб турилибди.

Қ. ТЎЛАБОЕВ.

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

РАЙКОМ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Қишнинг аёзли кунлари ортда қолиб, деҳқонлар тили билан айтганда режа ойи бошланди. Кунлар исиб, далалар одамлар билан гавжумлашиб бораяпти. Кузда чуқур ҳайдалган пайкаллар текисланиб, экишга ҳозирланмоқда, ўғит ва уруғлик ташиб келтирилмоқда. Эрта баҳорда бошланган ҳаракат шу бўйи кеч кузгача давом этади.

Баҳорги юмушлар бошланиши олдидан биз ўтган йилда бажарилган ишларга якун ясаб, бу йилги вазифаларни белгилаб олдик.

Юбилей йили ҳар жиҳатдан қувончли бўлди. Пахтакорларимиз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, пландаги 64 минг 270 тонна ўрнига 68 минг 731 тонна «оқ олтин» хирмонини бунёд этдилар. Ленин номли, Навоий номли, «Победа» колхозлари, «КПСС XXV съезди» совхози меҳнаткашлари район эришган ютуқларга айниқса кўп ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликларда гектар бошига ўрта ҳисобда 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. «Победа» колхозидан область партия комитети аъзоси Раиса Йўлдошева, актив коммунистлардан Қурбон Иброҳимов, Ленин номли колхоздан Мамажон Мирзақулов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 40 центнерни ташкил этди.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш, илғор тажрибаларга амал қилиш туфайли мўл ва арзон ҳосил етиштирилмоқда. Ўтган йили ҳосилнинг каттагина қисми машиналар ёрдамида теримб олинди. Дзержинский номли колхоздан Мамажон Ғафуров, Отамурод Саъдуллаев, Ленин номли колхоздан Гулчеҳра Усмонова каби коммунист механизаторлар машиналарини юксак унум билан ишлатдилар. Айни пайтда терилган пахта сифатига ҳам алоҳида эътибор берилди. Машиналар фақат пахтаси яхши очилган карталаларга қўйилди.

Районимиз сертармоқлидир. Пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида эришаётган ютуқларимиз ҳам қувончли бўляпти. Ўтган йили эл хирмонига 12 минг тоннадан ортиқ шоли, 13 минг тонна сабзавот, 2 минг тонна картошка, 1955 тонна гўшт, 11 минг тоннага яқин сут ва бошқа хил маҳсулотлар топшириб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқдик. Бу муқофот бизни янги зафарлар сари илҳомлантирмоқда. Ҳозир бутун куч ва ғайратимизни ўн биринчи беш йиллиқнинг сўнгги йили топшириқларини муддатидан олдин бажаришга, партиямизнинг ўбажак XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга қаратмоқдамиз.

Озиқ-овқат Программасини ҳал этиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ҳосил етиштиришни кўпайтириш кўп жиҳатдан ҳосилдорликни оширишга боғлиқ эканлигини деҳқонларимиз яхши биладилар. Шу боисдан ҳам пахтакорларимиз ерни экишга сифатли тайёрлашга, ўғитга тўйдиришга, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва маромида ўтказишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ўтган йиллардаги тажрибалар асосида бу йил ҳам биз барча жараёнларни график бўйича аниқ муддатларда ўтказишга интилмоқдамиз. Қиш мавсумида 332 та сеялка, 538 та чопиқ трактори ва бошқа хил техника воситалари тўла ремонтдан чиқариб қўйилди. Улар ҳозир экишга шай бўлиб турибди. Тупроқ ҳарорати кўтарилиши ва қулай пайт келиши билан агрегатлар далага чиқади.

Деҳқон баҳори бошланаётган йилимизнинг файзу-тароватини ўзгача эканлиги барчага маълум. Бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ва унумлироқ меҳнат қилишимизга тўғри келади. Чунки 1985 йил тарихий саналарга жуда ҳам бойдир. Бу йилда биз жонажон партиямизнинг бўлажак XXVII съездига актив тайёргарлик кўрмоқдамиз. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини нишонлаймиз. Ниҳоят, ўн биринчи беш йилликка якун ясаймиз. Мана шу саналарни меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш ҳар биримизнинг гражданлик бурчимиздир.

Бу йил районимиз пахтакорлари ўтган йилдаги рекордни такрорлашга аҳд қилганлар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам тез суръатлар билан ривож топади. Деҳқонлар билан бамаслаҳат бу йил эл дастурхонига 17 минг 200 тонна ғалла, 12 минг тонна сабзавот, 2100 тонна гўшт, 11 минг 200 тонна сут ва бошқа хил ноз-неъматлар етиштиришга қарор қилдик. Бу эгалланиши мумкин бўлган марралардир. Чунки КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорлари асосида ерларимизнинг мелиорация ҳолати яхшиланиб боряпти, олинаётган уруғлик сифати ошди, хўжаликларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Туғилаётган илғор тажрибаларни кенг қулоч ёйдириш устида ҳамиша қайғуриб келяпмиз.

Район партия ташкилоти халқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш юзасидан зарур чоралар кўрмоқда. Айниқса, деҳқончилик билан бирга жамоат чорвачилигини юксалтиришга катта эътибор берияпти. Ҳозир 13 та хўжаликда чорвачилик фермалари бор. Уларда 14 минг бош қорамол боқиляпти. Чорвадорларимиз моллар туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш устида жиддий шуғулланмоқдалар. Подадаги сигирлар сонини ошириб бориш ҳам алоҳида вазифа қилиб қўйилган. Ҳозир районимизда 4169 бош сигир бор. Улардан 3400 га яқини соғиляпти.

Қишлов даврида чорвадорларимиз моллар маҳсулдорлигини пасайтирмасликка алоҳида эътибор бермоқдалар, ҳозирги кунда ҳар бир сигирдан ўртача 8 килограммдан сут соғиб олиняпти. Қишловни намунали ўтказаётган чорвадорлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтгинг келади. Ленин номли колхоздан Маърифат Сатторова, Навоий номли колхоздан Шаҳодат Холмирзаева, «Далварзин» совхозидан Баҳром Жабборов каби илғорлар жамоат чорвачилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг барчаси коммунистлардир. Ферма ишини намунали ташкил этишда, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда энг аввало коммунистлар барчага намуна бўлмоқдалар. Илғор чорвадорлар ўз боқимларидаги сигирларнинг ҳар биридан ўтган йили 4000—4200 килограммга етказиб сут соғиб олдилар, гўштга топширилган қорамолларнинг тирик вазни 450 килограммни ташкил этди. Чорвачиликни ривожлантиришдаги бу суръатни 1985 йилда яна ҳам оширамиз. Кўпгина чорвадорлар сут соғиб олиш юзасидан белгиланган ярим йиллик планни Буюк Ғалабанинг 40 йиллигигача бажаришга интилмоқдалар.

Район партия ташкилоти олиб бораётган катта сиёсий ва ташкилотчилик ишлари самараси бошқа соҳаларда ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. Экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида ўсиш ва улғайишлар сезилмоқда. Районимизда ҳозир 93 та бошланғич партия ташкилоти қизғин фаолият кўрсатмоқда. Улар сафига 3055 коммунист бирлашган. Партия сўзини омма қалбига ва онгига етказишда коммунистлар ҳамиша намуна бўлмоқдалар. Ҳозирги кунда биз ўртоқ К. У. Черненконинг Москва шаҳар Куйбишев район сайловчиларига қаратилган нутқи таъсири остида яшамоқдамиз. Унда экономика ва маданиятнинг ҳал этилмаган муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган эди. Бинобарин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ҳам ҳаётимизда учраб турган камчиликларни тезроқ бартараф этиш йўллари кўрсатилиб берилган эди. Партия қўйган вазифаларни бажариш йўлида бор имкониятларни ишга солиб, мамлакат коммунистларининг бўлажак анжуманини меҳнатда улкан зафарлар билан кутиб оламиз.

Э. ХАТАМОВ,
Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари.

ПОЙТАХТ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА



● «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлари бу ерда тайёрланаётган машиналарни такомиллаштириш устида муттасил изланиш олиб бормоқдалар. Ушбу суратда инженер-конструкторлардан В. Голеусов (чапда) ва А. Васьковларни иш устида кўриб турибсиз.

● Тошкентдаги 9-шина ремонти заводида стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа яхши самаралар беряпти. Бу йил автохўжаликлар учун 65 мингдан зиёд автошина қайта тайёрлаб берилиши керак. Бу юксак маррани забт этишга ишлаб чиқариш илғорлари ўзларининг муносиб улушларини қўшишяпти. Комсомол аъзоси Ниғмат Ҳикматов ана шундай ишчилардандир. Айни пайтда унинг меҳнат календарида 1986 йилнинг февраль ойи бошланди. Суратда: Н. Ҳикматов иш устида.

М. Нуриддинов фотолари.



ҚАҲРАМОН ШАҲАРЛАР ШАРАФИГА

Республикамиз пойтахтидаги «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўн биринчи беш йиллиқнинг тўртинчи йилини яхши якунлади. Давлат плани асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича тўла ва зиёдаси билан адо этилди. Қўшимча ўнларча минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

— Бундай меҳнат муваффақиятида совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Буюк Ғалабаси 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақанинг авж олганлиги ҳам катта роль ўйнади, — дейди бирлашма партия ташкилотининг секретари Ғ. А. Обидов. — Шу буюк сана шарафига бошланган умумхалқ ҳаракатида матбаачиларимиз ҳам фаол қатнашмоқдалар. Улар қаҳрамон шаҳарлар шарафига меҳнат вахтасида туришяпти. Ҳар ойда иккита шундай шаҳар шарафига вахта эълон қилинмоқда. Дастлабки ноябрь ойида Ленинград ва Волгоград шаҳарлари шарафига ишладик. Февраль ойида эса Новороссийск ва Севастополь шаҳарлари шарафига вахта эълон қилганмиз.

Мусобақанинг бу формаси ҳам коллектив куч-ғайрати ва ижодий изланишини бирлашма олдида турган вазифаларнинг бекаму-кўст бажарилишига сафарбар этишга ёрдам бераяпти. Кўпчилик цехлар коллективлари бундай меҳнат беллашувида яхши натижаларга эришмоқдалар. Айниқса бош корпус коллективи унумли ва сифатли ишламоқда. Меҳнат беллашувида кўпинча мукофотли ўринларни эгаллаяпти. Ғолиб коллективга кўчма вимпел, пул мукофотлари ва илғор ишчиларни тақдирлаш учун Фахрий ёрлиқлар бериляпти.

Бирлашмамиз цехларида тобора авж олаётган бу мусобақада иштирок этаётган юзлаб матбаачилар зиммаларига шахсий мажбуриятлар олиб ишлашяпти. Улар ваъдаларининг устидан чиқиш учун мавжуд асбоб-ускуналар ва иш вақтидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шунинг учун ҳам вақтдан ўзиб кетишган. Бирлашмада 200 дан кўпроқ ишчи-хизматчи беш йиллик шахсий нормасини бажарганликлари ҳақида рапорт беришди. Улар шу кунларда навбатдаги беш йилликнинг турли йиллари ҳисобига ишлашмоқда.

Шундай илғорлардан печатниклар М. Зайтаев, М. Файзиев, гравёрлар Г. Фокин, В. Паршин, ҳарф терувчилар З. Ортиқова, Ҳ. Деҳқонбоевалар ўзларининг унумли ва сифатли меҳнатлари, мураббийлик ҳаракатида фаол иштирок этиб, ўнлаб шогирдларга раҳнамолик қилганликлари билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонишган.

Ўз сафига юзлаб шундай зарбдор матбаачиларни бирлаштирган коллектив икки ойни муваффақиятли якунлади. Маҳсулотни реализация қилиш ойлик плани 101 процентдан ошириб адо этилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтиришда муайян натижаларга эришилди. Коллектив март ойида ҳам графикдан ўзиб ишламоқда. Ҳар куни пландагига қўшимча мингларча сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.

Г. МАМБЕТОВА.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ҚИШЛОВ БИЛАН СИНОВ»

Газетаннг шу йил 12 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган редакцион мақолада Ғалаба районида ҳам чорвачилик маҳсулотлари етиштириш камайиб кетганлиги тўғри ва ўз вақтида танқид қилинган, дейилади район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толипов редакцияга юборган жавобда.

Қишлов даврида чорвачилик маҳсулотларининг камайиб кетишига йўл қўйган хўжалик раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари жиддий огоҳлантирилган. Жумладан, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиб олишни назорат қилмаганлиги, чорвачиликни ривожлантиришга жиддий эътибор бермаганлиги учун Ҳамза номли колхоз правлениесининг раиси Д. Бойбўтаев вазифасидан бўшатилган.

Район партия ва ижроия комитетлари, агросаноат бирлашмаси раҳбарлари ҳамда бош мутахассислари томонидан хўжаликларнинг чорвачилик фермалари қатъий назорат остига олинган. Фермаларга зарур бўлган ёрдам кўрсатилмоқда. Чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани кенгайтириш чоралари кўриляпти. Жумладан, мусобақалар ҳар ўн кунда якунланиб, илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Автоклуб, автомагазин ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш фермаларда график асосида ташкил қилинмоқда.

Қишловнинг қолган муддатларини кўнгилдагидек ўтказиш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирлар ҳам жиддий назорат остига олинган.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

● ХАРЬКОВ

Харьков радио электроника институтининг олимлари ясаган акустик локатор ез юзида шамолнинг баландлиги, тезлиги ва йўналишини автомат тарзда белгилаб бера олади. Харьков аэропортига шу аппаратнинг тажриба нусхаси ўрнатилди. Мутахассисларнинг фикрича, бу янгилик шамол кучидан фойдаланадиган энергетика установкалари самарадорлигини оширишда ҳам ёрдам беради.

● ЧИМКЕНТ

Қозоғистон транспорт қурувчилари цемент ишлатмай асфальт бетон тайёрлашни ўрганиб олдилар. Чимкент йўл қурилиш материаллари комбинатида фосфор шлагидан янги йўл хом ашёсини тайёрлайдиган катта комплекс ишга тушди.

● МУРМАНСК

Новаторлар ечимини жорий этиш туфайли «Адмирал Ушаков» теплоходининг коллективи энергия ресурсларидан оқилона фойдаланадиган бўлди. Эндиликда кемада хўжалик эҳтиёжлари учун сув иситишга бирон грамм ҳам ёқилғи сарфланмайди. Ишлаб турган дизеллар иссиғидан фойдаланиладиган установкани ишлатиш самараси ана шундай бўлди.

● ВОЛОГДА

Вологда областининг кўпгина хўжаликлари эскирган деталларни аввалгидек, бошқатдан эритиш учун эмас, балки тиклаш учун юборяпти. Район сельхозтехника бирлашмалари ҳузурида очилган ихтисослашган участкалар шу деталларни тиклаш билан шуғулланмоқда. Натижада юзлаб тонна ғоят сифатли пўлат тежалмоқда, тикланган маҳсулотларнинг таннархи эса кўпинча янгисининг атига 10—20 процентини ташкил этмоқда.

(ТАСС).

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

Халқаро ҳаёт

В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ Р. РЕЙГАН БИЛАН УЧРАШДИ

ВАШИНГТОН, 8 март. (ТАСС). СССР Олий Совети делегациясига бош бўлиб АҚШга келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси В. В. Шчербицкий Оқ уйда АҚШ президенти Р. Рейган билан учрашди.

Учрашув чоғида ядровий ва космик қуроллар юзасидан ўтказиладиган Совет-Америка музокараларига тааллуқли масалалар, шунингдек Совет-Америка муносабатларининг бошқа масалалари ҳақида гаплашиб олинди.

Учрашувдан кейин В. В. Шчербицкий журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

КАМПУЧИЯ ХАЛҚИНИНГ ИШОНЧИ

● ПНОМПЕНЬ. Кампучия халқи социалистик жамият асосларини қуриш йўлидан комил ишонч билан олға бориб, ўз ватанининг суверенитети ва территориал бутунлигини пишиқ-пухта ҳимоя қилмоқда, деди КХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, КХР Давлат Кенгашининг Раиси Хенг Самрин. У Вьетнам хотин-қизлар федерациясининг бу ерга визит қилиб келган делегациясини қабул қилди.

Халқ Кампучиясининг ютуқлари Совет Иттифоқи, Вьетнам, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа қардош мамлакатларнинг доимий ёрдами ва мададкорлиги билан чамбарчас боғланган, деб уқтирди КХР раҳбари. Биз мана шу ҳар томонлама дўстлик ва самарали ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам бутун кучни сарфлайверамиз. Кампучия халқи Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга, Америка империализми авж олдираётган қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган амалий тинчликсевар сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

ВАТАНПАРВАРЛАР ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ. ЛАРИНИНГ ЯКУНЛАРИ

● ГАВАНА. Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронтига кирувчи революцион ташкилотлардан бири — Сальвадор халқ озодлик кучларининг қўзғолончиларга қарашли «Фарабундо Марти» радиостанцияси тарқатган ахборотида айтилишича, миллий озодлик фронтининг жангчилари бултур Сальвадордаги америкапараст режим армиясининг 5000 дан кўпроқ солдат ва офицерини сафдан чиқардилар.

Ҳужжатда ватанпарварларнинг 1984 йилги жангговар ҳаракатлари якунланган. Шу давр мобайнида Дуарте режимининг армияси ўз сонини доимо кўпайтирганлигига ва АҚШдан юборилган қурол-яроғ ҳисобига ўзининг ўт очиш қудратини кучайтирганлиги уқтирилади. Сальвадор ҳарбийлари қотиллик операцияларини ўтказишда америкалик ҳарбий маслаҳатчилар ишлаб чиққан тактикага амал қилдилар. Бироқ мана шуларга қарамай, режим армияси жанговар ташаббусни қўлга олишга, қўзғолончиларни ўз назорати остидаги зоналардан суриб чиқаришга ҳамда ўз аскарлари ва техникасини кўплаб талафот беришдан сақлаб қолишга муваффақ бўла олмади. Сальвадор расмий вакилларининг қўғирчоқ режим армияси урушда ютиб чиқмоқда, деган даъволари ёлғонлигини фактлар қайта-қайта исботлаб турибди, деб уқтирилади халқ озодлик кучларининг ахборотида.

АПАРТЕИД ҚОРАЛАНДИ

● КОТОНУ. Того республикаси билан Яшил Бурун ороллари республикаси Преториа режими ўтказаётган ғайриинсоний апартеид сиёсатини қатъиян қоралайдилар, қитъа давлатларини шармандали ирқчилик тартибларини тугатиш учун курашаётган Жанубий Африка африкаликлар миллий конгрессига ёрдамни кучайтиришга чақирадилар, дейилади Того президенти Г. Эйадеманинг Яшил Бурун ороллари республикаси давлати бошлиғи А. Перейра билан ўтказган музокаралари якунида имзоланган ахборотда.

ЯДРОСИЗ ЗОНА ВУЖУДГА КЕЛТИРИЛСИН

● КОПЕНГАГЕН. Исландия пойтахти Рейкьявикда шимолий кенгаш — Дания, Исландия, Норвегия, Финляндия ва Швеция парламентлари ҳамда ҳукуматларининг ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи маслаҳат органи XXXIII сессияси ўз ишини тамомлади.

Сессиянинг бир қанча қатнашчилари Европа шимолида ядросиз зона вужудга келтириш масаласида шимолий мамлакатлар ўртасида янада мустаҳкам алоқа ўрнатилиши кераклигини айтдилар. Швеция коммунистлари сўл партиясининг раиси Л. Вернер бу таклифни регион мамлакатлари жамоатчилигининг тобора кенг доиралари қўллаб-қувватлаётганликларини таъкидлади. Шу муносабат билан у хавфсизлик сиёсати масалалари юзасидан шимолий мамлакатларнинг мулоқотини ўтказувчи махсус орган тузишни таклиф қилди.

БУТУН ХАЛҚНИНГ МАДАДИ БИЛАН

● АДДИС-АБЕБА. Қурғоқчилик оқибатларини тугатиш соҳасидаги комплекс планни бажаришда эфиоп халқи эришган муваффақиятлар Эфиопия ишчи партияси билан революцион ҳукумат танлаб олган йўлнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилмоқда, деди Эфиопия ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МҲМК) раиси Менгисту Хайле Мариам.

У мамлакатнинг табиий офатдан жабр кўрган аҳоли кўчиб бораётган районлари бўйлаб қилган сафари вақтида Гожам вилоятига борганида сўзлаган нутқида қисқа вақт ичида эришилган натижалар истиқболнинг яхши бўлишига умид туғдиришини таъкидлади.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР, ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 11 март куни МТ I программасининг кўрсатувлари соат 9.00 дан 17.55 гача 5-канал орқали намойиш этилади.

ДУШАНБА, 11. III

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Футбол шарҳи».
10.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Қизил гул». Бадиий фильм.
11.35 Л. Бетховен. Септет ми бемоль мажор.
12.00 Мультфильмлар: «Чин сўз», «Сеҳрли олма».
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Ҳужжатли фильмлар.
16.10 «Оркестрсиз 30 минут». Фильм-концерт.
16.40 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация маршали С. И. Руденко билан учрашуви.
17.25 «Онамларнинг мактаби».
17.55 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Жальгирис» — МАСК.
18.35 «Жажжи хўтикнинг орзуси». Мультфильм.
18.45 «Ишлар ва одамлар». «КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик». Москва «Қизил Пролетарий» заводи коллективининг замонавий техника ишлаб чиқариш бўйича иши ҳақида.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Расмларда қуёш акси бор».
19.45 «Пикет билан ўтган 350 кун». Буюк Британияда синфий курашлар ҳақида телеочерк.
20.05 «Футбол шарҳи».
20.35 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Солдат мемуарлари». 6-фильм — «Пиёда — пиёдада».
21.30 «Время».
22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Москва). В. И. Ленин номидаги Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —«Агар соғлом бўлай десанг».
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Келажак даъватини тинглаб». Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 Тарих. 8-синф. Н. Г. Чернишевский.
10.05 Рус тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Астрономия. Қуёш.
11.35, 12.40 М. А. Шолохов. «Очилган қўриқ». 10-синф.
12.05 «Фан ва турмуш».
13.10 Ўқитувчига — музика сабоғи. 4-синф. 2-кўрсатув.
14.10 Табиатшунослик. 3-синф.
14.30 «Мен флотни ёзаяпман...» Л. Соболев асарлари саҳифаларида.
15.25 «Дарслардан сўнг». Тележурнал.
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 Теннис. Дэвис кубоги. СССР — ЧССР терма командалари.
19.15 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.00 Ритмик гимнастика.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время». Бадиий фильм.
22.00 «Чайка». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

17.55 Янгиликлар.
18.10 «Тезюрар Мук». Мультфильм.
18.30 «Тенгдошларинг ижоди».
19.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ёдимизда, қалбимизда ҳамиша» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Футбол бўйича XV Халқаро ўсмирлар турнири. Финал. 2-тайм (репортаж, ёзиб олинган).
20.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ёш пианиночилар республика конкурси лауреатларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Д. Еқубов. «Ҳаёт чашмаси». Телеочерк.
22.25 «Офицерлар». Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.15 МТ II
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Учрашув». Телевизион бадиий фильм (рус.).
19.25 Врач маслаҳати.
19.40 «Оламни ўз кўзим билан кўришни истайман». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Ер ва эл». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 12. III

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар: «Почта баликчаси», «Хат», «Каккунинг сири».
10.05 «Қувноқ стартлар».
10.50 «Чайка». Бадиий фильм.
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
17.00 «Совет тасвирий санъати». А. Пластов.
17.30 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?» Тўқимачилик ишлаб чиқариши учун кадрлар тайёрлаш ҳақида.
18.00 Партия ҳақида ҳикоялар. «Биз ярим йўлда тўхтаб қолмаймиз».
18.45 «Қалбга яқин қўшиқлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Бобо қандай қилиб вазнсизликни бузди». Мультфильм.
19.40 «Инсон ва қонун».
20.10 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Урушнинг узундан-узоқ йўллари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. В. Биков асарлари мотивлари асосида. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Ёзувчи ва ҳаёт». Д. Гранин билан учрашув.
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 МТ ва БР эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Инженерлик — ижодий касб». Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 Музика. 2-синф. Э. Григ. «Пер Гюнт».
10.05, 13.40 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия.
11.35, 12.40 Физика. 8-синф.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.10 География. 6-синф.
14.10 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
14.40 К. Чуковский ижоди.
15.25 «Табиатшунослик» кўрсатувининг почтаси.
15.55 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Қишлоқ янгиликлари».
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Грузия Давлат академик хизмат кўрсатган халқ рақс ансамблининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Енгил сув». Телевизион бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Туғилган кун». Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ЎзССР Олий Совети депутати Н. Маннопов билан учрашуви.
19.00 «Экономика тежамли бўлиши керак».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ҳамзахонлик.
20.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбек куйларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
22.25 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Унутилмас кунлар». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.00 МТ II
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Болалар учун фильм. «Болалар денгизни орзу қилишади».
18.30 Биология. Генетикадан масалалар ечиш.
19.00 «Қуёшли кундаги ёмғир». Телефильм.
19.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Халқ жасорати саҳифалари» (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Бир саёҳатнинг етти куни». Телефильм.
20.50 «Ҳужжатли кино экрани».
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 13. III

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Урушнинг узундан-узоқ йўллари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
10.55 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
11.45 «Саёҳатчилар клуби».
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Инсон ва табиат». Телефильмлар: «Қатъий қоида», «Қора думли балиқчи қуш».
15.55 «Ўсмирлар ижоди».
16.25 «И. Мележ тақдири ва китоблари».
17.15 «Калевала» музикада.
17.55 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.25 «Кузька учун уй». Мультфильм.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.05 Арфа квартети чалади.
20.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Урушнинг узундан-узоқ йўллари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 Консерваториянинг Катта залида совет композиторларининг асарларидан концерт (композиторлар Бутуниттифоқ VII съездига). Кўрсатув тугагач — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Унинг бутун умри». Телефильм.
9.35, 10.35 География. 7-синф.
10.05, 14.10 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Жамиятшунослик.
11.35, 12.40 М. А. Шолохов. «Ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ». 6-синф.
12.05 «Онамларнинг мактаби».
13.10 Физика. 7-синф. Электр токи сенинг уйингда.
13.40 Астрономия. 10-синф.
14.40 «Сен қонунни биласанми?»
15.20 Г. Р. Державин. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Спорт ҳақида телефильмлар: «Яруллин мактаби», «Бу омадли Казаков», «4 «б»нинг умиди».
19.30 «Музикали киоск».
20.00 «Социалистик экономикани бошқариш».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Г. Веревка номли Давлат академик хизмат кўрсатган украин халқ хорининг концерти.
21.20 «Тарту оҳанглари». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Мистер Икс». Телевизион бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 М. Горький. «Сохта танга». Фильм-спектакль (рус.).
12.30 Рус адабиёти. Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романида П. Корчагин образи (рус.).
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёзувчилар — болаларга». Ойбек туғилган куннинг 80 йиллигига.
18.45 Болалар учун фильм. «Куруш ўтлоқ».
19.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ғалаба паради қатнашчиси Усмон Омонов».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Камера фош этади». «Сохта санам».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Созандалар ҳақида ҳикоялар». Ёш ижрочилар II республика конкурси лауреати Т. Ражабов.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.05 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.15 МТ II
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Буюк Почин анъаналарига содиқмиз».
18.40 «Менинг Иренам». Телевизион бадиий фильм (рус.).
19.20 Ўқитувчи экрани. Ёш тилшуносларнинг республика олимпиадаси.
19.50 «Шаҳар шовқинидан йироқда». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Эстетика асослари. Санъат турлари. Кино.
21.00 «Тежамкорлик самараси» (рус.).
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 14. III

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Урушнинг узундан-узоқ йўллари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
10.45 «Ўсмирлар ижоди».
11.15 «Енгил сув». Телевизион бадиий фильм.
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Ҳужжатли фильмлар.
16.20 Композиторлар Бутуниттифоқ VII съездининг концерти.
17.15 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
17.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 «Миллионлар лениннча университети».
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
20.00 Давлат «Москва классик балети» камер ансамбли артистларининг чиқиши.
20.25 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Урушнинг узундан-узоқ йўллари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Фан ва техника». Киножурнал.
22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Сокол» — МАСК. 2- ва 3-даврлар. Киевдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.55) — «Дунё воқеалари».
23.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. С. Смирнов.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Артёмовскда икки кун». Телефильм.
9.35, 10.35 В .В. Маяковский. «Ғаройиб саргузашт». 7-синф.
10.05, 13.30 Испан тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Дарримизнинг бош мазмуни.
11.35, 12.40 Физика. 9-синф.
12.05 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.10 Табиатшунослик. 2-синф.
14.00 Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?
14.30 «Рассом хотинининг портрети». Бадиий фильм, субтитр билан.
15.55 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Мовий тоғлар этагида». Телефильм.
19.00 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.30 Ўқитувчига — музика сабоғи. 3-синф. 2-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Хохловка». Телефильм.
21.00 МТ ва БР электр чолғу асбоблари концерт ансамблининг чиқиши.
21.30 «Время».
22.05 «Қишки туманлар пайти». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Жажжи юлдузлар». Болалар учун фильм-концерт.
11.05 «Қалбим билан қўшиғим сенга...» Ҳужжатли фильм.
11.30 ЎзССР тарихи. Ўзбекистон гражданлар уруши йилларида (рус.).
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
12.30 ЎзССР тарихи. Ўзбекистон гражданлар уруши йилларида.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Энг билимдон қўён». Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим».
19.00 «Ўлкамизни боғ-роғларга буркайлик».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Телевизион театр. А. П. Чехов. «Илтимос».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёш овозлар». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Турнахон». Бадиий фильм.
23.30 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.00 МТ II
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Иккинчи она тилимизни ўрганамиз».
18.30 Реклама.
18.45 Ғафур Ғуломнинг гражданлик шеърияти.
19.15 «Классик куй саҳифалари».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Оддий бир кун». Телефильм.
20.50 Эстетика асослари. Санъат турлари. Кино (рус.).
21.30 МТ II

ЖУМА, 15. III

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Урушнинг узундан-узоқ йўллари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
10.45 Шимол рус қўшиқлари. МТ ва БР рус қўшиқлари академик хори куйлайди.
11.15 «Йилқичилар». Телефильм премьераси.
11.40 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Олмаота чегарачилар билим юртининг бошлиғи, генерал-лейтенант М. К. Меркулов билан учрашуви.
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар.
16.10 «Рус тили».
16.40 «Подмосковьенинг агросаноат комплекси».
17.15 Ереван политехника институти камер оркестрининг концерти.
17.30 «Ерда, самода ва денгизда».
18.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
18.30 М. Глинка. Тугалланмаган соната.
18.45 «Машиналар асрини қандай узайтириш мумкин».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Иоганн-Себастьян Бах». Композитор туғилган куннинг 300 йиллигига.
20.15 «Икки жуфт ва ёлғизлик». Телевизион бадиий фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.00 Союзлар уйининг Колонна залида композитор С. Туликовнинг авторлик кечаси. Танаффус пайтида (23.10) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ўчувчи Нургалиевнинг ердаги юмушлари». Телефильм.
9.35, 10,35 Тарих. 4-синф. «Кўзғол, улкан мамлакат».
10.05, 13.55 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология.
11.35, 12.40 Тарих. 7-синф.
12.05 Қ. Қулиев поэзияси.
13.10 Табиатшунослик. 3-синф. Кавказ табиати.
13.30 Зоология. 7-синф.
14.25 П. Чайковский. «Йил фасллари».
15.20 «Драматургия ва театр». Л. Н. Толстой. «Тирик мурда».
16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Баскетбол. Л. Ронкетти кубоги. Хотин-қизлар. Финал. МАСК—БАТА (Виттерборо шаҳри, Италия).
19.30 «Юрий Ракшанинг Куликово майдони». Ҳужжатли фильм.
19.50 Баскетбол. Европа чемпионларининг кубоги. Эркаклар. МАСК — «Цибона» (Загреб шаҳри, ЮСФР).
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ритмик гимнастика.
21.15 Москва область Пушкино шаҳар академик хорининг концерти.
21.30 «Время».
22.00 «Қишки туманлар пайти». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Днепр». 2-тайм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Биографиянинг бошланиши». Телефильм.
11.00 Болалар учун. «Бойчечак».
11.30 География. Иқлим.
12.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Шонли анъаналар». Ўзбекистон комсомолининг 60 йиллигига бағишланади.
18.45 «Она қалби оёққа турса...» Шеърий композиция.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Кўчманчи қушлар парвозда». Телефильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси мақомчилар ансамбли солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қалб амри билан». Қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар ҳақида.
22.20 «Туғишгандан афзал». Бадиий фильм.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.10 МТ II
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Ўзбек жангчилари Улуғ Ватан уруши фронтларида». 2-кўрсатув.
18.40 «Асрлар акс-садоси». Телефильм.
18.50 «Солдат мактублари». Музикали программа.
19.30 «Сохта гувоҳлик», «Аччиқ қисмат». Ҳужжатли фильмлар.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Совет турмуш тарзи». Кинопрограмма.
21.00 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
21.30 МТ II

ШАНБА, 16. III

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Қалб қўшиққа тўла». «Мугурел» халқ ашула ва рақс ансамбли иштирок этади.
10.10 «АБВГДейка».
10.40 «Бувимнинг пироги». Ҳужжатли фильм премьераси.
10.50 Омск Давлат академик рус халқ хорининг концерти.
11.20 «Звездний бригадирлари». Телефильм премьераси. «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» туркумидан.
11.50 «Сиз бунга қодирсиз».
12.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.05 СССР ДОСААФ лотереяси ҳақида ҳужжатли фильм.
13.10 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телеконкурси.
13.40 Д. В. Давидов.
14.45 «Мардлик қонунига биноан». Кўрсатувни ёзувчи Ю.Семёнов олиб боради.
15.15 «Дунё воқеалари».
15.30 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Тамтам садолари остида» (Бенин).
15.55 «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм. «Симбирск трилогияси. 1870—1887 йиллар». 2-фильм — «Ота уйи».
16.55 Болалар учун фильм. «Ёнимга келиб ўтир, Мишка».
18.10 Сиёсий шарҳловчи А. З. Ивашченко суҳбати.
18.40 «СССР — Мексика. Дўстлик саҳифалари». Телефильм премьераси.
19.30 «Ҳайвонот оламида».
20.30 «Ветераннар, Сизлар учун». Шоира Ю. Друнина иштирокида музикали кўрсатув.
21.30 «Время».
22.05 «Дам олувчилар ҳаётидан». Бадиий фильм.
23.25 Джаз панорамаси.
00.05 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Сиз яратган боғ».
10.00 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
10.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Киноилова.
11.30 «Дунё ёшлари дўст бўлиб яшашсин». П. Лумумба номли Халқлар дўстлиги университетининг 25 йиллигига бағишланган концерт.
13.00 ЧЕЛЯБИНСК ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
14.00 СССР композиторлари VII съездининг концерти.
14.55 «Саёҳатчилар клуби».
15.55 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Оловли марра». Музикали кўрсатув.
17.05 «Стадион ҳамма учун».
17.35 «Константин Сергеев. Хореография саҳифалари». Фильм-концерт.
18.35 Мультфильм.
18.45 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
19.10 «Халқаро обзор».
19.30 «Здоровье».
20.15 «Алифбе». Телефильм премьераси.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Саратов Давлат филармониясининг торли квартети чалади.
21.10 «Карпатнинг жонли суви». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Москвичка» телеклуби.
23.50 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Сокол». 3-давр.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Юлдузча». Болалар учун киноальманах.
11.10 «Шахмат мактаби».
11.40 Телевизион театр. Л. Қаюмов. «Қалдирғоч».
13.10 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси чолғу ансамблининг концерти.
13.50 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.).

* * *

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат» (рус.).
18.40 «Фан уфқлари».
19.15 «Эртага — Уй-жой-коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни». ЎзССР Уй-жой-коммунал хўжалик министрининг ўринбосари Р. С. Сайдаминов сўзи.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Халқ амалий санъати».
20.15 «Дарё ёқалаб». Катталар учун мультфильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР халқ артисти Б. Ҳамдамов куйлайди (янги программа).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Партия турмуши».
22.35 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Баҳс». Ёшлар учун ахлоқий-этик мавзуларда кўрсатув.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00 — 17.35 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Музика бизни дўстлаштирди». Болалар учун кўрсатув.
19.00 «Новости».
19.20 «Яна бир бор оқ йўл». Телевизион театр.
20.00 «Ахбор».
20.25 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
20.40 Концерт.
21.30 МТ II

ЯКШАНБА, 17 .III

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВА АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Москва шаҳар 6-педагогика билим юрти ҳаваскорлари ижро этади.
9.50 «Деразаси далага қараган уй». Ҳужжатли фильм.
10.05 «Спортлото»нинг 11-тиражи.
10.15 «Будильник».
10.45 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.45 «Здоровье».
12.30 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
13.00 «Космонавтларнинг ердаги уйи». Телеочерк.
13.15 «Қишлоқ янгиликлари».
14.15 «Музикали киоск».
14.45 «Откриткалар оламида». Ҳужжатли фильм.
14.55 В. Гаврилин. «Қўнғироқлар садоси».
16.45 «Бугун — Уй-жой-коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни». Кўрсатувда РСФСР Уй-жой-коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри И. Г. Дуденков иштирок этади.
17.15 «Хатларингиз асосида». Концерт.
18.15 «Халқаро панорама».
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Зенит» — «Спартак». 2-тайм.
19.45 Халқ куйлари.
20.00 Болалар учун фильм. «Валерка, Рэмка плюс».
20.30 «Саёҳатчилар клуби».
21.30 «Время».
22.05 «Ансамблда Рихтер билан бирга». Фильм-концерт премьераси.
23.10 «Мамлакатнинг бадиий музейлари». Палех санъати.
23.45 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Ғагаузлар». Ҳужжатли фильм.
9.25 Ритмик гимнастика.
9.55 «Ленинград диксиленди чалади».
10.20 «Рус тили».
10.50 «Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари». Д. Д. Шостакович. 10-симфония.
11.50 Акробатика бўйича СССР чемпионати.
12.20 «Ау амаки», «Ау амаки шаҳарда». Мультфильмлар.
13.00 «Дунё ва ёшлар».
13.35 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Улуғ Ватан уруши» киноэпопеяси. 9-фильм — «Кавказ учун жанг», 10-фильм — «Буюк танк жанглари».
15.15 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
15.45 «Иркутск воқеаси». А. Арбузовнинг шу номли пьесаси асосида телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.
18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Зенит» — «Спартак». 1-тайм.
18.45 «Турбазада содир бўлган воқеа». Бадиий фильм (Руминия).
20.00 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Тамтам садолари остида» (Бенин).
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 УССР Давлат Закарпатье халқ хорининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Торпедо» (Москва.)

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Уй-жой-коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунига. «Қишлоқдан қишлоққача». Ҳужжатли фильм.
10.45 «Даврларнинг бошидан кечирганлари». Бадиий фильм.
12.05 «Қувноқ стартлар».
12.55 ҚҚАССР ва республика областлари театрларининг телевизион фестивали. Чингиз Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар». Самарқанд область драма театрининг спектакли.
14.30 «Ўзбекистон спорти».
15.00 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05

«КАТЮША» ЗАРБАЛАРИ

ДЕНИС ФИЛИППОВИЧ асли тамбовлик. 1932 йилда Самарқанд область Зомин районининг «Ударник» совхозига кўчиб келди. Шу ерда ўқиб шофёрлик касбини эгаллади ва ўз касбига бир умр содиқ қолди. 1936 йили «Союзсовхозтранс» корхонасига ишга кирди ва онласи билан Тошкентга кўчиб келди.

ҚАҲРАМОНЛАР орамизда

Ёш оиланинг тинч ва осойишта турмуши кўпга бормади. Уруш бошланди. Орадан сал вақт ўтмай почтальон Рзянинлар уйига шошилинч чақириқ қоғози ташлаб кетди. Эртаси куни Денис тонг саҳарлаб Қуйбишев район ҳарбий комиссариатига кириб борди ва қўлидаги чақириқ қоғозини котибга узатди:

— Шофер экансиз, сиздақанги йигитлар фронтга сув билан ҳаводек зарур,— деди котиб.

Денис қўлига қурол олиб жанг қилиш истагида эди. Лекин комиссариатдагилар уни Тошкентда ташкил қилинаётган махсус 822-автобатальонга киритдилар. Бир неча кундан сўнг батальон Москвага йўл олди. Тошкентдан борган йигитларни казармаларга жойлаштиришди. Ўқув машқлари бошланиб кетди. Лекин Денис ҳануз ким бўлиб жангга киришини билмасди.

Машқлар тугаб автобатальон яна қайта тузилди. Уни 35-полк ихтиёрига ўтказишди. Баланд бўйли, бақувват, юз-кўзидан қатъият ёғилиб турган Денис Филиппович ўнинчи эса 3-ротага ёзиб унга янги жанговар машина рулини ишониб топшириш-ди. Бу — «М-13» машинаси — афсонавий реактив қурол — «Катюша» эди!

Жанговар машиналар колоннаси Москвадан тўғри Брянск фронтига ва у ердан Воронежга қараб йўл олди. 1942 йилнинг 12 июлида «Катюша»лар Воронеж шаҳ-рида жануброқда ўрмон ёқасида тўхтади. Дивизион командирининг «Ўт очиш позицияси эгаллансин!»— деган буйруғи эшитилди. Машиналар дарахтлар панасига ўтиб қулай позицияларни эгаллади. Зудлик билан ғилофлар туширилиб, реактив қурилмалар зарядланди.

— Белгиланган координат бўйича беш маротаба залп билан ўт оч!

Ер-кўкни ваҳимали ўкирувга ўхшаш овоз тутиб кетди. Осмонга қуюқ тутун ва чанг-тўзон кўтарилди. Залп бериб бўлингач, атроф сув қуйгандек яна жимиб қолди. Шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди. Денис Филиппович бошқараётган жанговар машина ёнига снаряд келиб тушиб, портлади. Денис бир зум гангиб қолди ва эшикни очиб пастга сакраб тушди. Реактив қурилмани зарядлаётган ва яшиклардан снаряд олиб келаётган Таалис, Трухонин ва Ерошинлар ҳалок бўлишган, Земцов эса биқинини чангаллаганича ерда ағанарди. Денис унга ёрдамга шошилди. Бу ерга батарея политруги Бузанов ва расчёт командири Бережневлар ҳам етиб келишди.

Кейин маълум бўлишича, душманнинг энг олдинги позициясида пистирмада турган эс-эсчилар «Катюша»лардан залп берилганини сезиб қолишган ва тутун кўтарилган ўрмон томон ўт очишган.

— Бу мен учун биринчи ҳақиқий жанг эди,— деб хотирлайди Денис Филиппович.— Машинамнинг 37 ерини снаряд осколкалари тешиб ўтган ва мажаклаганди. «Катюша»ни қолдириб кетиб бўлмас эди. Уни ё портлатиб юбориш, ёки... Хаёлимга шу фикр келди-ю сакраб кабинага чиқдим. Қалтин-бурадим. Курсант Поляков жанговар машинаси ўнг ёнидаги ўрнини эгаллаганлигини кўрдим. Ҳаммамиз ҳам ўзимизнинг ишимизга пухта ва ишончли эдик. Ҳеч ким ҳеч нарсадан ҳадиксирамасдан ишини бажарарди